50-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиётко-рона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

51-модда. Фуқаролар қонуни билан белгиланган солиқ-лар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

52-модда. Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи-дир. Фуқаролар қонунида белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқоабил хизмати тўшга мажбурдирлар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ ЖАМИЯТ ВА ШАХС

XII БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

53-модда. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хил-ма-хил шаклларида мулк ташкил этади.

Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунигини ҳи-сабга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳ-нат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳо-фаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунида назар-да тутилган ҳолларда ва тартибдоғина мулкдан маҳ-рум этилиши мумкин.

54-модда. Мулкдор мулкига ўз хоҳишига эгаллик қи-лади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулк-дан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқла-рини ҳамда қонуни билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

55-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дучиси ҳамда бошқа табиий захиралар умум-миллий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиш за-рур ва улар давлат муҳофазасидадир.

XIII БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

56-модда. Ўзбекистон Республикасида қонунида бел-гиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюш-малари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижод-ий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

57-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўз-гартаришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг су-веренитети, ялғизлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинликларига қарши чиқу-чи, урушин, иқтисодий, илмий, ирқий ва маънавийга тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлаш-маларнинг, миллий ва диний рўҳларини сиёсий партия-ларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фа-олияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

58-модда. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқла-ри ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъмин-лайди, уларга ижтимоий ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмаларининг фаолиятини қонуни билан мажбу-рор шахслар фаолиятини аралаштиришга йўл қўйилмайди.

59-модда. Касаба уюшмалари ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этади-лар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

60-модда. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳ-ларнинг сиёсий иродисини ифода қилишлари ва уларнинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари ор-қали давлат ҳокимиятининг тузилишида иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини миллий таъмин-лаш маъбодлари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошқорра ҳисобот-лар бериб турадилар.

61-модда. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар дав-латдан ажратилган ҳамда қонуни олдида тенгдирлар. Дав-лат диний бирлашмаларнинг фаолиятини аралаштирмайди.

62-модда. Жамоат бирлашмаларининг тарқатиш юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

XIV БОБ. О И Л А

63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Ниҳоят томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳу-қуқлигига асосланади.

64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгу-ларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларини ва ота-оналарнинг васыялигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбия-лаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

65-модда. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонуни олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қи-линади.

66-модда. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдир-лар.

XV БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

67-модда. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунига мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жаобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.

TЎРТИНЧИ БЎЛИМ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ

XVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

68-модда. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, ту-манлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шу-нингдек Қорақалпоғистон Республикасининг вилоятлар, Тошкент шаҳрининг chegarаларини ўзгартриш, шунинг-дек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиснинг розилиги билан амалга оширилади.

XVII БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

70-модда. Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўз-бекистон Республикаси таркибига кириди.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўз-бекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

71-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Консти-туциясига эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўз-бекистон Республикасининг Конституциясига зид бўли-ши мумкин эмас.

72-модда. Ўзбекистон Республикаси қонуни Қора-қалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбуридир.

73-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва chegarалари унинг розилигисиз ўзгартрилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳуду-дий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

74-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Респу-бликаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чи-қиш ҳуқуқига эга.

75-модда. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпо-ғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбеки-стон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўр-тасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси доира-сида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тар-тибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Респу-бликаси ўртасидаги низолар муроасага келтирувчи восита-лар ёрдамида ҳал этилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

76-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажли-си олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонуни чикару-чи ҳокимиятини амалга оширади.

77-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Маж-лиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялиги асосида беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар де-путатдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайла-ниш ҳуқуқига сайлов қўнигага 25 ёшга тўлган Ўзбеки-стон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Депутатликка номзодлар олдида қўйилган талаб-лар қонуни билан белгиланади.

78-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг мулк ваколатлари жумласига:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қа-бул қилиш, унга ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш;
- 2) Ўзбекистон Республикаси қонуниларини қабул қи-лиш ҳамда уларга ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш;
- 3) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати-нинг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат страте-гик дастуруларини қабул қилиш;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг қонуни чикарувчи, ижро этуви ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколат-ларини белгилаш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
- 6) бож, валюта ва кредит ишларини қонуни йўли билан тартибга солиш;
- 7) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонуни йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси-нинг chegarаларини ўзгартриш;
- 8) Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;
- 9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва ма-ҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марка-зий сайлов комиссиясини тузиш;
- 10) ваколати тугатиш муносабати билан Ўзе-бекистон Республикаси Президенти сайлов қўнини тайин-лаш;
- 11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раи-сини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;
- 12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;
- 13) Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;
- 14) Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳужалик су-дини сайлаш;
- 15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Таъиниш муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг расмини тайинлаш ва ва-зифасидан озод этиш;
- 16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Ва-зир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Ва-зирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозим-дан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзе-бекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбо-сарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тў-ғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақди-мига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни бошқарувининг расмини тай

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ КАРИМОВнинг Мисрдаги «Ал-Аҳром» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бош вазифа — ижтимоий адолат жамиятини қандайдяқдам барпо этишдан иборат. Бозор муносабатлари бу жамиятнинг негизи бўлади.

Хуқуқсиз республика ҳолатидан ривожланган бозор муносабатларига асосланувчи суверен халқчил давлат мавқега ўтиш даврида шомша-шошарликка, воқеаларни қисқалтиришга йўл қўйиб бўламайди, деб ҳисоблаймиз. Икмида бунга ҳатто «жазава» даволаш» деган атамани ҳам ўйлаб топибди. Биз жазава-вали усуллари қаршимиз. Аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари қилини керак, бошқача қилиб айтганда, минтақамизнинг нуфус хусусиятларини эътиборга оладиган «кучли ижтимоий сиебас» зарур. Ўз камолотининг шу қадар оғир, масъулиятли даврида Ўз аҳолисини ҳимоя қила олмайдиган давлатни инсонлар давлат деб бўлмайди.

Бизнинг сиебасимиз — очик ва ҳалол. Биз республика халқига ишларнинг аҳоли қандайдигини руй-рост айтаямиз, қуриладиган чора-тадбирлардан уни мунтазам хабардор қилаемиз, қуруқ ваъдалар бермаймиз.

Бизда ҳақиқий кўп партиялик қарор топмоқда. Биз барча сиесий кучларни амалий ҳамкорликка даъват этдик, республикада кулай ҳалқчил макон яратдик. Хилма-хил нуқтани назарларинг, шу жумладан, муқобил фикрларни ҳам эътиборга олаемиз. Айни вақтда биз айрим кучларнинг ўз фикрини зўрлик билан ўтказиш, ҳақ гапири фақат биз айтганимиз қабилда иш қуриш йўлидаги ури-нишларга қатъиян қаршимиз.

Биз Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул этилганини жуда муҳим воқеа деб ҳисоблаймиз. Уни ишлаб чиқишга олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик жалб қилинди. Бизнинг тарихий воқеаликимизга, урф-одатларимиз ва аъналаримизга, тафаккуримизга мос келадиган ҳамма жиҳатлардан фойдаланилган.

Давлат ҳокимиятининг соҳибон халқдир. Ҳокимият идоралари фаолиятининг натижаларига баҳо берадиган бosh ҳақам ҳам халқнинг ўзидир. Тарихнинг шу масъу-

лиятли босқичда халқ ўз тақдирини бизга ишониб топширди, буюбарин, биз унинг ишончини оқлаш учун ҳамма ишни қилаемиз.

Савол:
— Жаҳон уруши йилларида сизнинг республикангиз кўпгина қочқорларни, болаларни баргига олгани маълум. Республика кўп миллатлидир. Миллатлараро тотувлик ва тинчликни сақлашга қандай қилиб эришляемиз?

Жавоб:
— Ўзбеклар ҳеч қачон миллий адолатга берилган эмас. Азал-азалдан бу савхovatли дийрда турли-туман халқларнинг вакиллари тинч-тотув яшаб келганлар. Холис ният билан келган ҳамма кишилар бизнинг аждодларимиз билан ёнма-ён яшаб, Оллоҳ инъом этган ағона Қуёш остида муносиб ҳаёт кечиришдек абадий хуқуқдан баҳраманд бўлаверганлар. Хуллас, эли-мизда кўпмиллатлик жуда чуқур томир ёлган.

Ҳозир 120 миллат фуқаролари Ўзбекистоннинг 22 миллионли халқини ташкил этиб турибди. Уларнинг ҳаммалари тенг хуқуқларга ва тенг имкониятларга эгадирлар. Бизда қабул этилган қонунлар ёки фармонлардан биронтаси аҳолининг фуқаролик ва миллий хуқуқларини камситмаслигини ишонч билан айталаман. Биз ҳақиқий кўпмиллатлик учун пишқи-лукта хуқуқий негиз яратдик, бу негиз республиканинг янги Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди. Унинг моддаларидан бирида: «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб ёзиб қўйилган. Асосий қонунимизнинг барча бўлимларида миллий тенг хуқуқлик ва бирлик гоёиси сингдириб юборилган.

Сиесий барқарорликни, фуқароларнинг бирлигини ва миллатлараро тотувликни сақлаб қола олаккина, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз салоҳиятига яраша муносиб ўрин олишини таъминлашимиз мумкинлигига аминман (ҳаётдаги қатъий фикрим ҳам мана шу). Биз шу қонда асосида ҳар қандай қийинчиликлар ва муаммоларни ҳал эта оламиз ва, ақсина, агар умумий ҳовдонимизда қим қайси миллатга маъсуллик, қим яхши-ю, қим ёмонлигини сурштиришга киришсак, «барак» деган маънодор тушунча дарҳол

йўққа чиқади, бошимизга кулфат тушади.

Халқнинг бир-бири билан талашадиган нарсаси йўқ. Турли-туман муттаҳамлар ва сиебасбозлар миллий масалани рўқач қилиб, ундан фойдаланиб қолмоқчи бўладилар.

Одамлар миллатлараро муҳтотифлик нақадар ҳатроли ва ҳалокатли эканини тушунадилар, турли минтақаларда миғлаб гуноҳсиз кишиларнинг естигини кўриган аччиқ, фожияли можаборлардан ҳулоса чиқариб оладилар.

Биз республикада яхши маънавий-руҳий муҳитни вужудга келтиришга зўр бериб иттилимиз. Бу ҳақда ҳамма давлат идоралари, сиесий фиркалар, оммавий ахборот воситалари, зиёилар, меҳнат жамоаларининг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари гамхўрлик қилишлари керак.

Давлат ҳар бир киши ўз тарихини ўрганиши, она тилини, маданиятини ривожлантириши, ўз халқининг урф-одатларини ва аъналарини рия эйтиши учун шараф адрати ва қарорлар беради. Республикада 63 та миллий-маданий марказ тузилган. Зарурат бўлган жойларда турли миллатларнинг тилларида мактаблар сифлар, ўқув юрталарининг факультетлари ва бўлимлари бор.

Ҳамма масалалар шовушсиз, эҳтиросларга берилмай, ҳал қилинмоқда. Келгусида ҳам шундай бўлувлади. Биз ҳаммамиз битта умумий ойданинг аъзоларимиз, буюбарин ҳаммамиз осийшоталик ва тотувликдан манфаатдоримиз.

Савол:
— Миср пахтакор давлатлардан биридир. Маъмур тармоқ мутахассислари Ўзбекистонга бир неча бор келиб кетишган, сизнинг мутахассисларингиз ҳам Мисрда бориб келишган. Бу соҳада қандай ҳамкорлик қилинади, деб ўйлайсиз?

Жавоб:
— Дарҳақиқат, Миср Африка қитъасининг етакчи пахтакор давлатларидан бири, гоят қимматбаҳо ингичка толали пахта навини кўп-лаб ештирилади. Сизнинг уруғшуносларингиз етиштирган «Гиз» толасининг юксак технология хусусиятлари туфайли кўпчиликка манзур.

Биз ўртача толали навлар билан бир қаторда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида шу тоифага

мансуб гўза навларини ўстираймиз ва пахта етиштираймиз. Пахтачилик ривожининг кўп асрилик тарихи мубайнида биз ана шундай қимматбаҳо эканини етиштириш соҳасида биргаликда жуда катта тажриба тўплаганимиз.

Шу сабабли мутахассисларимиз тез-тез учрашиб турсалар жуда яхши бўлуради, улар пахта етиштириш технологиясида, уруғчиликни ривожлантиришда, янги навларни айирбошлашда, гўзани зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда бир-бирларига айтиладиган ва кўрсатилган ишларни бор, деб ҳисоблайман. Бундай қилиш иккала томонга ҳам фойдали бўлуради.

Савол:
— Сизнинг МДҲга муносабатингиз қандай ва Ўзбекистон Совет Иттифоқи бойликларини собиқ СССР республикалари ўртасида тақсимлаш тарафдорини?

Жавоб:
— Собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида вужудга келган ҳам сиесий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий алоқаларни дабдурустдан рад қилиб, бирданга узиб ташлаб бўлмайди.

Мустақил давлатлар ҳам-дустлиги бизга мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг жаҳон тажрибасидан ҳамма қабул этган маърифий шакллари сақлаб қолиш, бизнинг миллий давлатчиликни тиклаш, беихош қийин ижтимоий-иқтисодий танглидан қутулиш соҳасидаги саяҳат-катталикларимизни бирон-бир тарзда мувофиқлантириб туриш имконини беради. Ўйлайманки, МДҲ доирасида биз мустақил суверен давлатлар сифатида собиқ СССРнинг мол-мулкни одилона тақсимлашнинг ҳал этишининг ўзаро мақбул йўлларини ҳам топ оламиз, чунки бу мол-мулкни барпо этишда Иттифоқда қирган барча республикалар қатнашган эдилар.

Савол:
— Ўзбекистоннинг Туркия билан муносабатлардан кўпроқ манфаатдорлиги намой бўлаётганини асосий сабаблари нималардан иборат?—биз бу муносабатлар раванқ тошинга тилқалоқимиз. Ўзбекистон қайси соҳаларда Туркия билан ҳамкорлик қилмоқда?

Жавоб:
— Биринчидан, Ўзбекистон билан Туркиянинг маданият, тил, тарих, дин муштараклиги боғлаб турибди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дунё мамлакатлари орасида Туркия биринчи бўлиб бизнинг суверенитетимизни тан олди.

Иккинчидан, Туркияда кейинги 8—10 йил мубайнида шаклланиб келган иқтисодий модел, хўжалик қурилишининг мақсад ва қондалари бизни қизиқтирмоқда.

Учинчидан, ўз дини аъналарини ҳурмат қилиш билан бирга, Туркия ижтимоий муносабатлар нисбатини бузмаган ҳолда дунёвий давлат барпо эта олди.

Мана шуларнинг ҳаммаси бизга «турк модели»га хайрихоҳлигимиз ҳақида таъбир имконини беради. Аммо биз ундан асло кўр-кўрона нухса кўчирмоқчи эмасмиз, балки табиқий, ўзимизнинг бетакорр хусусиятимизни, маҳаллий аъналаримиз ва шарт-шароитимизни эътиборга олиб, Ўзбекистон учун энг мақбул жиҳатларини ўрганиб олоқчимиз.

Булларнинг ҳаммасидан ташқари Туркиянинг Осиё билан Европа оралиғида кулай жүроғий жойлашгани ва дўстона муносабатларимиз туфайли Ўзбекистон дунёнинг турли мамлакатлари билан савдо-сотиқни ривожлантириши мумкин бўлади. Туркия портларидан фойдаланиш ва юкларни шу мамлакат ҳудуди орқали олиб ўтиш иккала мамлакатнинг ҳам импорт, ҳам экспорт молларини ташқи муаммоларини ҳал қилишни анча осонлаштиради.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги аниқ-рашан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик учун оза ўтган йил мубайнида дурустгина ишлар бошлаб қўйилди. Туркия Ўзбекистонга ярим миллиард Америка долларидан ортиқ миқдорда узоқ муддатли қарз бебди.

Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўришининг турли тармоқларида, асосан, қурилиш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, пахта қайта ишлаш, турли-туман тўғимачилик маҳсулотлари, чарм буюмлар ишлаб чиқариш, янги олис алоқа тармоқларини вужудга келтириш ва мавжуд тармоқларни такомиллаштириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда 20 тадан кўпроқ қўшма корхона барпо этилди.

Маҳаллий, енгил, тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида кон-ундирма саноати ва нефть-газ конларидан фойдаланиш соҳасида бир қанча лойиҳаларни амалга оширишга доир шарт-номалар тузилди ёки улар қиймига етказилмоқда.

Ўзбекистон — Туркия банкни ташкил қилиш ҳақида битимга эришилди. «Ипак йўли» деб аталган қўшма

юк таших-экспедиция корхонаси барпо этилди, у иккала мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни амалга оширишининг умумий мажмуида муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқ таълими, маданият, илм-фан, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорлик узлуксиз ривожланмоқда.

Тошкентда ва Анқарада икки мамлакатнинг элчиҳоналари очилганлиги ҳамда Тошкент билан Истанбул ўртасида мунтазам тайёра-лар қатнови йўлга қўйилганлиги бунга қўмаклашмоқда.

Савол:
— Ўзбекистонда очилган нефть кони республиканинг катта бойлиғидир. Бу кон ёқилган танглигидан қийналаётган давлатларга ва шу жумладан, МДҲ мамлакатларига қандай наф беради?

Жавоб:
— Ҳа, биз бу масалада бошқа мамлакатларга қарамлик машаққатини енгиллаштирадиган янги ёқилган ашёларни имкониятларини излаемиз. Очилган конлардан фойдаланишда, янги конларни излашда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилаемиз.

Ўзбекистонда XXI асрга кучли, тараққишпавар давлат бўлиб кириш учун жамини ҳақиқий имкониятлар бор. Бизнинг табиий-қилм ва минерал кон ашё шарт-шароитимиз яхши. Ишлаб чиқариш ва илму энв салоҳиятимиз қудратли, ишчи кучларига бойимиз. Биз миллий бойлигимизнинг мана шу барча таркибий қисмларини энг мақбул тарзда бир бутун қилиб бираштириши, халқнинг муносиб турмушини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий омилини барпо этиш учун зўр ғайрат билан ишлаймиз.

Ўзбекистоннинг янги дўстлар ва барча холис ниятчи кишилар учун очикдир. Дунёдаги ҳамма мамлакатлар билан шерикчилик, дўстлик, ҳамкорлик, ички ишларга аралашмасликни миллатлар ҳамжамияти билан алоқаларни янада мувофиқлантириш мустаҳкамлашини, тинчлик, барқарорлик, тотувликни қарор топтириш учун қудай шарт-шароитларини гаровиндир, деб билаемиз.

Шу маънида фойдаланиб «Ал-Аҳром» газетасининг муштарифларига, дўстона мамлакатининг барча аҳолига энг яхши тилқаларини йўллайман. Хонадонларинида ҳамма осийшоталик, маъмурилик, сихат-саоматлик барқарор бўлсин. Сизларга ва фарзандларингизга бахт-саодат ёр бўлсин!

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖКОРАТ ЖАБАРААРИ ВА ЭЪОЛОНЛАР

«Эксперт» социологик маркази

АҲОЛИДАН ШОШИЛИНЧ РАВИШДА
ИНТЕРВЬЮЛАР ҚАВУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент вилоятининг қиллоқ районларида аҳоли орасида социологик суровлар ўтказиш учун олий маълумотли шахслар ёки олий ўқув юртининг талабалари ишга таклиф қилинади.

Меҳнат учун ишбай усулда (бир интервью учун 150 сўмдан 300 сўмгача) ҳақ тўланади.

Қуйдаги манзилга мурожаат қилинг: Абдулла Қодир кўчаси, 13-уй. Республика лекторлар ўйи, 91 ва 95-хоналар.

ТЕЛЕФОН: 44 83-61.

Тошкент нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси шартнома асосида ишлаш учун малакали бухгалтерлар, юқори малакали юрист ва тижорат ишлари бўйича тажрибаси бор мутахассисларни ишга таклиф этади.

Манзилгоҳимиз: 700206, Тошкент шаҳри, Юнусовод району, 17-даҳа, «Промзона», тел. 24-73-97.

АГАР КОРХОНАНГИЗ ЎЗ ТАЪСИР ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ВА ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ КўПАЙТИРИШГА МУҲТОЖ БУЛСА, РЕКЛАМА НАШРИСИ МУШКУЛАНГИЗ ОСОН БЎЛМАЙДИ.

Биз ҳар хил турдаги ВОСМА МАҲСУЛОТЛАР — ёрқин, рангдор буклетлар, кўрсаткич-қўлаграмма (проспект)ларини энг мақбул муддатларда яратамиз.

ФИРМА Микроимплекс АТА

53—53—24 ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН.

Хорижда чиқарилган — қутиси очилмаган «ТУРАР ЖОП ХОНАСИ» сотилади. Телефон: 24-17-48.

«АЛПОМИШ» (ЮБИЛЕЙ) спорт саройида
15, 16, 17 январь
Соат 13.00, 17.00

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

янги қизиқарли дастурни сизларга:

«ОБИД-А»

қизиқчилар театрининг қатнашчилари:

ОБИД АСОМОВ, ВОТИР МУҲАММАДХУЖАЕВ, СОБИТ АСОМОВ, УТКИР МУҲАММАДХУЖАЕВ, ШУКУРИЛЛО ИСРОИЛОВ

ва «ЯЛЛА» ансамбли ҳавола этадилар

Томошани РАҲМАТИЛЛА МИРЗАЕВ олиб боради.

Читалар «АЛПОМИШ» (ЮБИЛЕЙ) спорт саройининг кассаларида сотилади.

Спорт саройига метронинг «БЕРУНИЙ» бекатига чораилади.

Мурожаат учун телефонлар: 56-78-97, 56-85-78.

АЗИЗ БОЛАЖОНЛАР, ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР, БУВИЖОН ВА БУВАЖОНЛАР!

«ТЎҚИМАЧИ» МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ

МАРКАЗИ СИЗЛАРНИ ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Янги йил байрами томошаларида Сизларни гўзал арча атрофида қувноқ куй ва қўшиқлар, турли ўйинлар кутмоқда.

Шунингдек, Янги йил кунларида эртак қахрамоний Карлсон иштирокидаги ФИЛЬМЛАР (27 декабрдан — 1993 йил 3 январгача (рус тилида) ҳамда «ЯЛМОГИЗНИНГ НАЙРАҒИ» эртак-спектакллари (3-10 январь кунлари) намойиш этилади.

Фақат биздагина кичкинтойларини ширин-шакар совғалар кутмоқда.

Манзилгоҳимиз: Бобур кўчаси, 45-уй. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 53-36-65, 53-36-34.

ЧИПАТАЛАР СОТИЛМОҚДА. Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси жамоаси иш билан таъминланмаган аҳолини қасбга йўналтириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи Д. Х. Жапаровага отаси Хусеин ЖАПАРОВнинг вафот этганлигини муносабат билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Маориф ходимлари Шайхонтохур юрчи қасба уюшмаси қўмитаси ва 59-мактаб жамоаси мактабнинг собиқ ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Абдурашид МУБОРОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирди, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндosh-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яқшанбадан таъқари ҳар кунни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари энг ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашрият-натбаатчилик концернининг босмаҳонаси.